

Ватан деган мукаддас туйгуни шеъриятда ифодалаш жуда нозик ва масъулиятили. Туйгулар ифодаси учун сўзнинг ўзи кифоя килмайди, сўз ортидаги англанадиган мухаббат хам бўлиши лозим. Дарвоке, Фузулий мухаббатдан – ёрнинг кўйидан тугилган согинчни “Ватанимдур, ватанимдур, ватанимдур, ватаним”, дея ифодалади. Ватан тушунчаси кенг. Энг мухими, мухаббатдан тугилган Ватан азиз, ардокли. Ватан севгисига ташналикни Хумоюн шундай ифодалабди:

Юртим, хар не гиёхинг азиз,
Оллох иссик этмиш багрингни.
Сен дунёда биргина ёлгиз,
Англагувчи менинг калбимни!

Ватан ягона, инсон факат ана шу ягона юртда камол топади. Унинг кувончини хам, хасратини хам юрт тушунади.

Дарвоке, Хумоюн хакида. Таржимаи холини билмадиму ижоди оркали халкимизга яхши таниш. Зотан, шоирнинг таржимаи холи - шеърлари. Ижод шоирнинг шахсиятини аникрок ифодалайди. Хумоюннинг таржимаи холи оддий: катта харфлар билан ёзиш мумкин бўлган ШОИР. Ўзбекистон Каҳрамони Абдулла Орипов Хумоюннинг «Интихосиз наволар» тўпламига ёзган сўз бошисида у хакда шундай сатрларни битади: «Энг мухими, у шеър ишқида ёнишни, инсон кўнглига сўзлари билан гўзаллик, меҳр, яхшилик уруги сепишни билади, унинг илохий масъулиятини хис килади». Ёник шеър хар доим шоирни хам, шеърхонни хам тетиклантиради. Хумоюннинг мазкур тўпламига кирган шеърлар мудрок калбларни уйготади, локайд кўнгилларни хушёр торттиради.

Хумоюннинг ўзига хос жарангдор образлари, тимсоллари бор (тимсоллар хам индивидуал бўлиши мумкинлигини Хумоюннинг шеърлари яна бир бор тасдиклайди). Хумоюн халқ оғзаки ижодининг бой, жарангдорлигидан фойланиб, мазкур тўпламига кирган бир туркум шеърларини «Юртим эртаклари» деб номлабди. Шоирга юрт хакидаги эртаклар, афсоналар эмас, балки афсоналар ортидаги гўзал мамлакатларга монанд она юрт Ўзбекистоннинг хар бир бурчи, хар бир карич тупроги суюкли. Юртининг хар бир дақикаси хакида афсонаю эртаклар тўкишга арзигулик воеалар борлигидан гурур туяди, «Афсоналар ичра кезмоклик на соз, Эртаклар юртида ўзгача суур» дея юртга мухаббатини ифода этади. Агар шу туркумдаги шеърларига чукурорк эътибор берсак, достонга арзигулик воеалар силсиласи бор, бир шеърга тарихнинг энг кўхна даврларидан бошлаб бугунгача босиб ўтган шонли йўлининг гўзал тасвири бор. Унинг тасвиrlаш усули тарихни баён килишдан иборат эмас, балки тарихнинг моҳиятини, манзарасини ташбехларга сингдириш, Ўзбекистоннинг азалдан мукаддас ўлка эканиши кўрсатишdir.

Хумоюннинг мазкур тўпламида «Тупрок» шеъри бор. Шеър, бир карашда, она заминнинг бир парчасини улуглашга ўхшаб кўринади. Шеърда тупрокнинг «муборак», «мушфик», «сехргар», «она» каби эпитетлари тупрокнинг биз тушунгандан кўра кенг маънога эгалигига ишора килади. Инсон хаётининггина эмас, инсоний фазилатларнинг замири хам шу тупрокда. Тупрок хамма нарса – гоҳ бир бўлиб гавдаланади, гоҳида олтину кумушдан хам ноёб, сувдан хам мукаддас ошиён сифатида тасвиrlанади, баъзан касрларни бошига кўтарган хокисор кулба, баъзан оламнинг пойдевори, инсоният илдизи, сирли ва табаррук хилкат. Бу сингари таъриф тупрокка ва она заминга мухаббатнинг анъанавий бир ифодаси бўлиб колмайди. Шоир сўзга маъно юклаб,

анъянавийлик заминида шеърни бойитади ва янгилашнинг имкониятларини кўрсатади. Шеърдаги янгилиниш тафаккурдаги янгилинишdir. Тўпламдаги шеърлар мундарижасига назар ташлаган ўкувчи, шоир юртимиз шахарлар тарихини шеърга солибди-да, деб ўйлайди. Шеърларни ўқиганимизда эса фикримиз тамомила ўзгаради: Хумоюн бутун юртнинг гўзаллигини чизганига, юрт тарихининг жаҳоншумул мавкеини дарду андухлари, турфа товланишлари, бугунги киёфаси билан тасвирилаганига амин бўлади. “Насаф калъаси”, “Афросиёб тепаликлари”, “Тошкент окшомлари”, “Олтин водий” каби катор шеърларида ана шу манзарани кўриш мумкин.

Хумоюн ўзбек шеъриятида кимгadir ёки кайсиdir окимга - анъянавий ёки модернга мутлако эргашиб колмайди, балки халк хаётининг ахлокий асосларига, тафаккурига, китобхоннинг нозик дидига таянади. Унинг учун мезон ана шулардир. “Бешгул шеърлари” туркумига кирган шеърларида айни шу хакикатни кўриш мумкин. Болаликнинг ширин хотиралари, тугилган юрт манзараси ва калбга муҳрланган согинч наволари бир лахза тиним билмайди. Шоир юрагида она юртга бўлган муҳаббатини ифодалашнинг образларини топади, севаман, деб хайкирмайди, балки кундалик турмушга оид кичик бир деталга катта маъно юклаб, оддий хаётий хакикатнинг гўзал манзарасини яратади.

Турмушнинг кундалик ташвишларидан катта маънони такдим килади. Инсоннинг максади - орзуларини амалга ошириш учун тинимсиз харакатдан иборатдир, демокчи бўлади куйидаги шеърида.

Сўнgra тараддудга айланар умринг,

Тириклик, холос,

Бор натижаси.

Ажаб,

бу оламда сен нени кўрдинг –

Турфа тараддудлар мундарижасин.

Шеърдаги “тараддуд” шунчаки кундалик ташвишлар учун куйиб-пишиш эмас, балки инсон умрини маънили ўтказиш учун ўз олдига кўйган максадининг тимсоли деб аташни маъкул кўрган бўлардим.

Хумоюннинг хар бир шеърида халкона оханг бор. Кийналмай ўкийисиз, халк кўшиклари шаклини танлаб, кўз олдингизда манзарани аник гавдалантиради. Халк кўшикларининг оханги ва мазмунини, халкимизнинг удумларини шеърга сингдириб юборади. Бир мисол: “Эртак” шеърида оталаримиз, бувиларимизнинг кечаси ёки узок йўлга чикканда нон хамроҳ бўлади, жину ажиналар узоклашади, деган удумини, инонч- эътиқодларини мавзу килиб олади. Максад – удумни ёдимизга солиш ёки удумларни йўкотмайлик, деган шиорни тарғиб килиш эмас, балки “хамон ёдга тушар ўша ўгитлар, Бурда нон дилимга далда солади, Жину ажиналар ўтади четдан, катта-кичик итлар хуриб колади. Ажаб, бу хаётми, эртак, афсона” дея бировларнинг ризк-насибасига кўз олайтирадиган “жин-ажиналар”, “итлар” баъзан хакикатга айланиб колишига ишора килади.

Хумоюн ўз олдига катта талаблар кўяди, шунчаки кофиясини келиштириб, сўзлар тизишдан, сохталиктан кочади. Унинг учун шеърнинг моҳияти мухим. Хар кандай ижодкор ўз олдига талаб кўйганда, сўз жозибаси билан бирга, маънога хам эътибор беради. Шу ўринда шарқ адабиётшунослигининг машхур намояндларидан бири

Жохизнинг куйидаги гапини эслаш жуда ўринли: “Агар мазмун гоят гўзал бўлса ва сўз тушунарли бўлса, сўз хакикатан истеъдод билан ишлатилган бўлса, агар маъно ва шаклда мувофиқлик бузилмаса, сохталик бўлмаса, сўз, худди хосилдор ерга ёмгир ёкканда келтирган самара сингари, инсон калбига таъсир кўрсатади... юракдан

айтилган сўз юракка етиб боради, факат тилдан чиккан сўз кулокдан нарига етиб бормайди”. Хумоюн анъанавий шеърни – халқ охангларида ёзилган шеърни мазмунан бойитиш ва янгилаш имкониятлари хар доим бор эканини исботлади. “Бешгул шеърлари” туркумидан ташкари, “Самарканд йўлларида”, “Эски дафтар”, “Талабалар шахарчасида” каби туркум шеърлари фикримизга яна бир далилдир.

Хотира изсиз йўколиб кетмайди. Хотира катида гоҳ юракларни жунбушга келтирадиган хаяжонли, гоҳ дардли, гамли-аламли кечинмалар ётади. “Эски дафтар янгилар дардим” деб бошлабди Хумоюн бир туркум шеърларини. Бу шеърларида шеърхонни ўйлантирадиган ташбехлар, ўзига хос рамзлар яратади. Кимдир, шоир худди математик ёки физик сингари, ўзлигини ёшлик йиллари топади, деб айтган экан. Хумоюннинг эски дафтардаги шеърлари, талабалик пайтидаги ижоди намуналари айни “ўзлигини топган” йиллари ёзилгани аён бўлиб турибди. Бу туркумдаги шеърлари - унинг таржима холи. Хиссиётларини намоён килишда энг асосийси - куйиб-ёниш, “ўн саккиз минг олам аро бўзлаб”, кўнгил сultonининг хуснига асрлар давомида асир бўлиб ўтиш, армоннинг ширин шаробларидан, кайгу лаззатидан баҳраманд бўлиш. Колган хаммаси бехуда эрмакдай туюлади шоирга. Хумоюннинг шеърларидағи дард рамзий маъно касб этади. Унинг шеърларидағи дарднинг рамзий маъноси “шафкатсизлик”, “хижрон”, “айрилик”, “йирок”, “безовталиқ” каби образлар воситасида юзага келади. Шоирнинг шеърларидағи бу индивидуал рамзлар шеърларнинг таъсир кучини оширади, ўкувчининг калбига ўз-ўзидан шоирнинг дарди кўчади, дард поэтик тафаккурнинг бир аъзоси сифатида кўз олдимиизда ранглари ва оханглари билан намоён бўлади. Шоирнинг “Мусаввирга” шеъридан олинган куйидаги сатрлари гўё ўзининг шеърларидағи дарднинг жамики рамзий образларини ифода этгандай:

Узун кеча кечар лахзадай,
Чизаркансан дарднинг сувратин,
Ранглар чалиб турар сирли най,
Мўйкаламнинг сўйлар хайратин.

Шоир хаётда гўзалликни излайди, турмушимизни ва инсонни ахлокий томондан безайдиган фазилатлар шоир учун кимматли. Унингча, ажойиб фазилатларни кўра олиш, китобхонга кўрсатиш, китобхон оддий тил ва юксак санъат билан хис килишига ўргатишдир. Шоир хаётдаги гўзалликка мафтун бўлган ва ўкувчини хам шунга етаклайди. Шоир бунда дидактикадан кочади. Ўзининг карашларига, хулосаларига китобхонни ишонтиришга мажбур килмайди, аксинча шеърни тушуниш, англаш учун ўкувчининг рухий сезгирилиги кифоя деб билади.

Хумоюннинг шеърларига хос яна бир алохида хусусият - унинг кузатувчанлигидир. Бу дегани – шоир шеърларининг огирилик марказида кузатувчанлик туради, деганидир. Бу билан, Хумоюннинг шеърларида факат ташки киёфа ва ташки олам унинг маҳоратини белгиловчи омиллар экан-да, деган хулоса келиб чикмайди. Колаверса, хар кандай шеър хам кузатувчанликсиз яратилмайди. Хумоюн кузатувчанлик маҳсули бўлган ташки киёфа ва ташки оламни инсоннинг ички оламига – яширин оламга бўйсундиради, унинг асосий эътибори ана шу яширин оламга каратилган. Огирилик маркази – шоир каҳрамонининг яширин оламида. “Тожмаҳал”, “Кадимий бозор”, “Куз туйгулари”, “Холат” каби бир катор шеърларида айни шу хусусиятни кўрамиз. Жумладан, “Кадимий бозор” шеърига мурожаат этайлик: шеърда ўзига хос манзара яратилган. Хар доим мавжуд хасадгўйлик, ташвишу гамлар, такаббурлик, кўйингки, нимаики иллатлар бор бўлса, хаммаси хаёт деб аталмиш “бозор”да бор. “Бозор” – шу шеърнинг огирилик маркази. Бу иллатларнинг

хаммасини ўша “бозор”дан бепул олиш мүмкин. Оддий хаётий ходиса, лекин аччик хакикат. Аммо

Бунда савдонг бўлур бесамар –

На бир вафо, фидо бўлмаса.

Шод бўл, харид килмасанг агар,

Шод бўл агар кўнглинг тўлмаса.

Иллатлар, фосиклар бозори шунака.

Хумоюннинг ўзига хос жаннатбахш жафолар, захил куз, баҳил куз, олов хаёл, ок либосга чўмган мухаббат, рангин гуллар кучоклаган баҳт, бепоён дард, уйгок тоглар, вафо шароби каби эпитетлари, боғларнинг хайкали, тун изи, хотирамнинг боғлари каби катор индивидуал метафоралари албатта ўкувчини бефарқ колдирмайди. У индивидуал эпитетлар ва метафораларга кўпам ружу кўймайди, меъёрни саклайди. Бу тасвир воситалари, шубҳасиз, шоирнинг кашфиёти деб карашга лойик. Эҳтимол, бу кашфиётларни Хумоюнда ўрни-ўрни билан модерн шеъриятга мойиллик борлиги билан изохланса тўгри бўлар. Бу кашфиётлар, колаверса хамма шоирнинг шеърларидағи ўзига хос тасвир воситалари машаккатли изланишлар, меъёрни саклаш самарасидир.

Шеърдаги меъёр хакида апокрифик адабиёт бўйича машхур профессор Хуана де Майренанинг куйидаги гапини келтириш ўринлидир: «Шуни билингки, шеъриятда, биринчи навбатда шеъриятда, киска йўл, тўгри ифодалар, нутк оборотлари ёки образлари йўкки, машаккатлар билан изланмаган бўлсин. Поэтик кўчимлар ортиклича бўлганда, шеърни тиниклаштиримайди ва безамайди, балки уни мураккаблаштиради ва коронгулаштиради. Инсон нуткини жуда аниклик билан етказадиган кочиримлар хар доим хаммага тушунарли тилда яратилади». Бу гапни Хумою ижодига бемалол татбик килиш мумкин. Сўзни хис килиш, сўз танлаш, сўзга масъулият, ортиклича дабдабага берилмаслик унинг хар бир шеърида ўзини кўрсатиб туради.

Хумоюнда айрим холларда сентиментал кайфиятлар (“Тошкент сари учса ўйларим”), хаммага маълум дидактика (“Авлоний орзуси”), биро оз жўнлик (“Бедил”) учрайди.

Албатта, турли даврларда ёзилган шеърларда бундай жўнрок шеърлар учраши табиий. Тўплам истеъдодли шоир Хумоюннинг ижоди хакида тўлаконли тасаввур берибина колмасдан, адабиётда етук бир шоир хакида тасаввурларни тиниклаштиради.

Насимхон Раҳмон